



## ПАНДЕМИЯНИ ЖИЛОВЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИДА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни коронавирус тарқалишини жиловлash борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили, пандемия даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Жумладан, охири пайтда дунёда COVID-19 инфекциясининг тарқалиши кескин тезлашиб, жами касаллар сони 19 миллионга яқинлашгани, қурбонлар ҳам кўпайгани афсус билан таъкидланди. Вазият ғоят жиддийлигини 31 июлда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти пандемия билан боғлиқ халқаро фавқулодда ҳолатни яна 3 ойга узайтиргани ҳам кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда охири бир ҳафтада 5 мингдан ортиқ янги касал аниқланиб, жами вирус юқтирганлар сони 27 минггача яқинлашди. Энг ёмони, коронавирусга қўшимча тарзда, асорати оғирроқ бўлган пневмония ҳолатлари ҳам кўпаймоқда.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, қуртимизда қўшимча чоралар кўрилди. Жумладан, охири 20 кунда коронавирусни даволаш ўринлари 3,5 баробарга кўпайтирилди ва қарийб 65 мингга етказилди.

Жойларга қўшимча равишда қарийб 800 та тез тиббий ёрдам машинаси етказиб берилди.

Қўшимча 4 мингга нафас бериш ускуналари (ЎСВ, портатив сунъий нафас бериш аппарати, кислород концентратори) олиб келиниб, уларнинг сони 6,5 минггача етди.

— Аҳоли ўртасида вирус тарқалишининг олдини олиш ва беморларни даволаш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларни янада кучайтирган ҳолда давом эттиришимиз зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари коронавирус ва пневмонияни даволаш бўйича ҳар томонлама тайёр бўлиши, ҳар бир беморга керакли тиббий ёрдам кўрсатилиши, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб шифохонага ётқизилиши ва даволаниши учун шахсан жавобгар бўлиши қайд этилди.

Жойлардаги бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизими ишини янада жонлантириш кераклиги таъкидланди.

Мисол учун, пойтахтимизда “оилавий поликлиника — мобил бригадалар — махсус поликлиникалар — “103” тез ёрдам хизмати” тизимининг узвий ишлаши таъминлаш ҳисобига бир ҳафтада соғайганлар улусини 45 фоиздан 58 фоизга оширишга эришилди.

Шу муносабат билан, Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаевга ҳокимликлар ва сектор раҳбарлари билан бирга бир ҳафта мuddатда “Тошкент шаҳри тажрибаси” негизда ҳудудларда симптомсиз беморларни ўзи уйда мобил тиббий гуруҳлар ёрдамида уларнинг кўмак ва тавсиялари асосида даволаш тизимининг жорий этилишини яқинлаш вазифаси юклатилди.

Президент Шавкат Мирзиёев, шунингдек, ҳудудларда COVID-19га чалинганларни қабул қилиш ва саралаш бўйича марказларни ташкил этган ҳолда, кичик шифохоналарни ўз профилига мувофиқ бошқа турдаги ва сурункали касалларни даволашга қайтариш лозимлигини айтди.

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳудудларга Тошкентдан бириктирилган ихтисослаштирилган марказлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ишини янада самарали ташкил этишларига ҳар томонлама кўмаклашишлари керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳар бир оғир беморни даволаш тактикаси бўйича юртимиз ва хориждаги малакали мутахассислар билан видеоалоқа орқали маслаҳат бериш тизимини мунтазам равишда унумли ишлаш мақсада мувофиқ.

Маълумки, бугун қатор мамлакатлар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимларида коронавирус давосини топиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда. Мисол учун, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Россия фармацевтика компаниялари яқин вақт ичда вакцина ишлаб чиқаришни бошлаши ҳақида хабар қилинган.

Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаевга бир ҳафта мuddатда етакчи олимлар ва тажрибали шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда вакцинани харид қилиш ва мамлакатимиз аҳолиси вакцинациясини амалга ошириш йўллари пухта ўрганиб чиқиш топшириги берилди.

Касалликнинг олдини олиш, коронавирусга шубҳа бўлган фуқароларни шифохоналарга етказиш, карантин талабларини тушунтириш ва бу жараёнда жамоатчилик назоратини амалга оширишда жойларда маҳалла идораларининг иштирокини кескин кучайтириш кераклиги ўқтирилди.

Чунки халқимиз турли хил масалаларда биринчи навбатда маҳаллага мурожаат қилишга ўрганган.

— Республика бўйича 9 минг 150 та маҳаллада қарийб 40 минг одам бюджетдан оиллик олиб ишлайди, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. — Уларнинг оилликларини ҳам жорий йилда қарийб 1,5 баробарга ошириб бердик. Шундай оғир шароитда нима учун улар четда туришлари керак? Ўз аҳолисининг аҳолидан яхши бабардор бўлган, қайси хонадонда қандай бемор борлигини, кимнинг яшаш шароити қандайлигини, ким ёрдамга, ким врачга муҳтожлигини улардан яхши биладиган бошқа одамнинг ўзи йўқ пастки тизимда.

Бунинг учун ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар

бир маҳаллада маҳалла раислари, профилактика инспектори ва бошқа ходимлар, маҳалла фаоллари ва нурунийлар, маҳаллаларга бириктирилган тиббиёт муассасалари ходимларини биллаштириб, ўз ҳудудидаги аҳоли, айниқса, кексалар ҳолидан кунига хабар олиш, коронавирусга шубҳа бўлган ва касалликка чалинганларни тез тиббий ёрдам хизмати ва шифокорлар билан боғлашни ташкил этишга бош-қош бўлишлари шартлиги тайинланди.

Шунингдек, улар ёрдамга муҳтож оилаларга озиқ-овқат, уйда даволанишга тавсия қилинган беморларга дори-дармон етказиб бериш ишларида фаол иштирок этишлари лозим.

— Бунга қўшимча равишда, улар маҳалла ҳудудида аҳолининг зарурат бўлмас кўчага чиқмаслиги ва тўп-ламаслиги, тиббий маска тақиб юриши ва ижтимоий масофани сақлаши, тўй ва тадбирларни вақтинча ўтказмаслиги каби мажбурий талабларни доимий тушунтириши ва жамоатчилик назоратини амалга оширишлари шарт ва зарур, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Коронавирус тарқалиши сабаб иқтисодий фаоллик чеклангани одамларнинг рўзгорига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бундай шароитда вақтинча ишсиз қолган, даромад манбаини йўқотган ва оғир аҳволда кун кечираётган аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам қўлини чўзиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Президентимизнинг 30 июль куни қабул қилинган “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони шу борада жуда муҳим қадам бўлди. Хужжатга мувофиқ, бюджетдан қўшимча 2 триллион сўм ажратилиб, ушбу маблағлар 1 миллион 700 минг нафар ёрдамга муҳтож аҳоли, 3 миллион 700 минг нафар пенсионер ва жорий йил якунига қадар қўшимча 500 минг нафар ижтимоий нафақа олувчиларга йўналтирилиши белгиланган.

Хусусан, ўтган 5 кунда эҳтиёжманд оилаларга жами 148 миллиард сўм моддий ёрдам тарқатилди. Август ойида 1 миллион 700 минг аҳоли ва 50 мингдан зиёд тиббиёт ходимларига 780 миллиард сўм тўланиши кўзда тутилган.

Керакли пайтда керакли мадад олиб, халқимиз бу ишлардан рози бўлмоқда. Шу билан бирга, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларини тўри ва ҳаққоний шакллантириш, ажратилган маблағларни адолатли тарқатиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда аҳолига ижтимоий ёрдам тўловларини етказиб бериш бўйича сектор раҳбарлари ва маҳалла мутасаддиларининг масъулиятига эътибор қаратилди.

Давлат нозирлик органларига маблағларнинг тўғри тақсимланиши ва тўланиши юзасида доимий назорат ўрнатиш, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш топширилди.

Шавкат Мирзиёев эҳтиёжманд аҳоли билан ишлашда янги, шаффоф ва адолатли тизим йўлга қўйилишини ишлаб чиқилди. Президентнинг 4 август куни имзоланган “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя ягона реестри жорий этилиши белгиланди.

Мазкур тизим Сирдарё вилоятида тажрибадан ўтиб, ўз самарасини кўрсатгани ва жорий йил якунига қадар уни барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилиши таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз томонидан ижтимоий ёрдамлар кўлами кенгайтириб борилиши жараёнида ушбу янги тизимнинг муҳимлиги эътибор қаратилди. Жумладан, ижтимоий нафақа олувчилар сони ҳозирги 600 мингдан жорий йил охиригача 1 миллион 200 минг, 2021 йилда эса 1 миллион 500 минггача етказилиши белгиланган. Бу борада Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали барча ижтимоий ёрдам бир хил мезон ва бир хил ҳужжат асосида берилиши кўзда тутилган.

Энг муҳими, келгуси йил 1 январдан бошлаб, кам таъминланган оила мақомини олиш учун фуқаролардан ҳозиргидек 12 та идорадан 30 дан зиёд маълумотлар талаб қилинмайди. Эҳтиёжманд оилаларга 30 турдаги ижтимоий ёрдам ва хизматлар осон ва қўлай тарзда тақдим этилади.

Йиғилишда ёрдам пулларига муҳтож оилалар рўйхати маҳаллалар кесимида адолатли тузилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тасдиқланиши лозимлиги таъкидланди.

Маблағларни адолатли тақсимлашда маҳалла ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ёрдам мақсадли етказиб беришга нурунийлар ва фаолларни жалб этиш муҳимлиги айтилди.

Шу билан бирга, 50 минг нафар тез тиббий ёрдам ходими учун ажратилган 200 миллиард сўм муқофот пулларини ҳам ортиқча қозғозбелкисиз, ўз вақтида тарқатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида вазирлар, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳисобот берди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### Қ А Р О Р И

## АҲОЛИГА ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ҲИЗОМАТЛАРИ ВА ЁРДАМ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллигини янада ошириш бўйича илчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда.

Хусусан, жаҳонда бўлиб ўтаётган коронавирус пандемияси аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қисқа мuddатларда аниқлаш ва уларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва самарали инструментлари бўлишини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада зарур идоравий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги қозғош иш юритишдан воз кечиш, давлат ижтимоий хизмати ёки ёрдамини тақдим этиш вақтини қисқартириш имкониятини бермаёпти.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамни тақдим этишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида:

1. Қўйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

2019 йилнинг 1 октябрдан Сирдарё вилоятида тажриба лойиҳаси доирасида бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам (кейинги ўринларда — ижтимоий нафақалар) тайинлашни ишлаб чиқиш ва белгилаш тартиб-таомиллари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси грант асосида бериладиган молиявий, техник ва эксперт кўмаги асосида амалга оширилмоқда;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини республика бўйлаб жорий этиш учун компьютер ускуналари ва периферия қурилмаларини сотиб олиш Жаҳон банки имтиёзли кредити ҳисобига амалга оширилди;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими эгаси ва фойдаланувчиси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобланади.

2. Белгилансинки: 2020 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари 1-иловага мувофиқ босқичма-босқич “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими воситасида амалга оширилади;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими “Электрон ҳукумат” тизимининг таркибий қисмидир;

жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — шахсий идентификация рақами) “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида жисмоний шахсининг идентификатори ҳисобланади;

давлат ижтимоий хизматлари ёки ёрдамини тақдим этиш доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг идоралараро электрон ҳамкорлиги “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграцион платформаси орқали амалга оширилади.

3. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини жорий этишнинг асосий мақсадлари этиб қўйидагилар белгилансин:

идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаш воситасида ўзаро ҳужжат алмашиш жараёнини автоматлаштириш орқали давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этиш учун зарур бўлган маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатлар сонини тубдан қисқартириш;

белгиланган мезонларга мувофиқ кам таъминланган оилаларнинг эҳтиёжмандлик даражасини объектив баҳолаш, давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этиш жараёнларини автоматлаштириш орқали қарорларни қабул қилишда субъектив ёндашувни бартараф этиш;

аҳолининг эҳтиёжманд тоифаси таркиби ўзгариши динамикасини мониторингни ва таҳлилини юритиш, уларни баҳолаш мезонларини республика ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

давлат ижтимоий хизматлари ва ижтимоий ёрдам олувчиларнинг доимий янгилашиб турадиган ягона маълумот базасини шакллантириш;

манфаатдор вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг ўзларига юклатилган ва-

зифа ва функцияларни бажаришда хизматларни белул ёки имтиёзли асосда тақдим этиши учун маълумот билан таъминлаш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этишда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2-иловада назарда тутилган ҳужжатлар ва маълумотлар фуқаролардан талаб этилишига йўл қўйилмайди;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилган шахслар ёки оилалар қўшимча ҳужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан 3-иловага мувофиқ хизматлар ва имтиёзларни ҳам олишга ҳақлидир;


“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган шахсларнинг тақдимнома ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади ва ўн икки ой давомида қам қилади.

5. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими, манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари ўртасида ўзаро электрон ҳамкорликни янада яхши-лаш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Дастур ижроси устидан доимий мониторинг ўрнатсин ва чора-тадбирларни бажариш мuddатларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг вазирлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, унинг ҳудудий бўлимлари ва туман(шаҳар) бўлимлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилишини ва фаолият кўрсатишини таъминлаш учун 5-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган штат бирликларини ажратиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 5-ило-васида кўрсатилган штат бирликларининг:



Давоми 2-бетда



## Экспорт — тараққиёт таянчи

Юртимизда сўнгги йилларда ушбу йўналишда бажарилаётган кенг кўламли ишлар, узоқ йиллар давомида эскича тизимда ишлаб келган қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ис-лоҳ қилиш, унга илгор ва замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар озиқ-овқат саноатини бу-тунлай янги босқичга олиб чиқди, десак муболаға бўлмайди.

Бу, айниқса, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари, ху-сусан, мева-сабзавот етиштириш, ишлаб чиқариш ва экспорт қилишдаги юқори кўрсаткичларда яққол акс этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРИ ВА  
ЁРДАМ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ  
АВТОМАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

200 таси меҳнат органларининг инспекторлар ва мутахассислари штат бирикликлари;

125 таси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизими штат бирикликлари; 100 таси Давлат солиқ хизмати органлари штат бирикликлари мақбуллаштирилиши ҳисобидан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратида тасдиқланган штат бирикликлари доирасида фуқароларнинг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали ижтимоий нафақаларини тайинлашга оид муражатлари ва шикоятларини қабул қилиш бўйича шўъбаси ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январига қадар "ФХДЭнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (кейинги ўринларда — ФХДЭ органлари) архивларида қоғоз ташувчиларда сақланаётган ҳужжатларнинг электрон базаларини шакллантириши тизимини таъминласин.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар ФХДЭ органлари архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатлар электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун зарур бўладиган қўшимча ходимларни вақтинча ишга жалб этиш ва уларни жойлаштириш чораларини кўрсин, уларга зарур бўлган компьютер ва бошқа ортехника воситалари, офис жиҳозлари, канцелярия товарлари, телефон ва интернет алоқаси билан таъминласин, шунингдек, архив ҳужжатлари билан ишлаш тартибига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ФХДЭ бўлимлари архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатлар электрон маълумотлар базаларини шакллантириш, шунингдек, шартнома асосида ходимларни вақтинчалик жалб этиш ҳамда зарур компьютер ва бошқа ортехника воситаларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетни ҳисобидан 30 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

Белгилансинки: Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан мазкур қарор доирасида компьютер ва бошқа ортехника воситалари, истисно тариқасида, энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали харид қилиниши мумкин;

"ФХДЭнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимида ФХДЭ органларининг архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатлар электрон маълумотлар базаларини шакллантириш бўйича тадбирлар тўлиқ якунлангандан кейин, ушбу қарор доирасида харид қилинган компьютер ва

бошқа ортехника воситалари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тақсиротида мувофиқ тегишли туманлар (шаҳарлар) умумтаълим муассасаларига белгиланган тартибда бегараз ўтказиб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Электрон ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашган платформаси орқали "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими билан идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари ўртасида сифатли ва тўлақонли ахборот алмашинувини таъминласин, бунда Молия вазирлигига ҳар томонлама, шу жумладан, зарур техника кўмак берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш" лойиҳаси доирасида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими тўлақонли ва сифатли ишлаши учун зарур бўлган серверлар, компьютер ва бошқа техника воситалар, асбоб-ускуналарини сотиб олишини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда босқичма-босқич "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими функционал имкониятларини кенгайтириш;

"ФХДЭнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимида ариза берувчининг оила аъзолари таркибини аниқлаш функцияси жорий этилганидан сўн "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими томонидан ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун аризаларни электрон тарзда онлайн режимида қабул қилинишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар маълумотлар тақдим этиш махфийлиги ва эпиклигини таъминлаш асосида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган пул ўтказмалари ва очилган депозит ҳисобварақларида қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган ариза берувчилар ва уларнинг муомалага лаёқатли оила аъзолари роялиги билан тақдим этиш имкониятини яратиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона

қўмитаси, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ўзларининг ҳамда таркибидоги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари, уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари) томонидан ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилалар учун назарда тутилган бошқа давлат ижтимоий хизматларини олиш учун "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аризалар тақдим этишини чеклаш ва уларнинг кўриб чиқишига йўл қўймастик чораларини кўрсин.

12. Махфий. 13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2021 йил 1 январга қадар "ФХДЭнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимидаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига фуқароларга тегишли бўлган шахсий идентификация рақамини бириктириш орқали ариза берувчининг оила аъзолари таркибини аниқлаш функцияси жорий этилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, ижтимоий нафақаларни тайинлашда устуворлик даромади нисбатан пастроқ бўлган оилаларга берилиши назарда тутилсин;

икки ой муддатда халқаро экспертлари жалб қилган ҳолда аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этишнинг ягона тизимини жорий этиш, ижтимоий нафақаларни, хизматларни ва ёрдамни тайинлашда асос қилиб олинган даромади нисбатан пастроқ бўлган оилаларга берилиши назарда тутилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинганга қадар Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларига "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 4 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

Фармон ва ижро

ЁРДАМГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМИНИ  
НАФАҚАТ МОДДИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ,  
БАЛКИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМ МУҲИМ

Лутфулла СУВОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Коронавирус пандемияси туфайли жорий йилнинг иккинчи чорагида дунёнинг барча мамлакатларида иқтисодий вазият кескин ёмонлашди. Ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши 10-20 фоизни, ривожланаётган давлатларда эса 7-15 фоизни ташкил этди.

Халқаро интеграция жараёнлари фаол кириб бораётган Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам глобал иқтисодий муаммолардан зарар кўрмоқда. Шунга қарамай, инқирозга қарши қўрилган қатъий ва амалий чора-тадбирлар эвазига 6 ой якунлари билан Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 0,2 фоиз ўсшига эришилди.

Бундай мураккаб шароитда аҳоли, айниқса, унинг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида. Ўзбекистон Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" фармони ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари Акмалхон ОРТИҚОВ фармон ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

— Ҳужжатда пандемия шароитида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатига ("темир дафтар") киритилган ва аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилалар республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам пули берилиши белгиланди, — дейди А.Ортиқов. — Бунинг учун республика бюджетидан ажратилган 380 млрд. сўм карантин даврида даромадсиз қолган аҳолини қўллаб-қувватлаш учун берилмоқда. Биз ҳозир бу рўйхатга кирган фуқароларни озиқ-овқат, дори-дармон ва моддий таъминот билан таъминлаяпмиз.

Қўрбон ҳайити муносабати билан ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳолдан хабар олиш учун республика бюджетидан жами 200 миллиард сўм ажратилди. Шу кеча-кундузда жойлардаги "Саховат ва кўмак" жамғармалари орқали тарқатилган маблағлар бир миллиондан ортиқ аҳолини нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон билан таъминлашга йўналтирилган. Мазкур маблағ мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган рўйхат асосида нақд пул шаклида тарқатилмоқда.

Биз озиқ-овқат маҳсулотларининг бир кунлик меъёридан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилдик ва жон бошига 14 турдаги маҳсулот учун 220 минг сўмдан тўғри келиши маълум бўлди. Бир оилادا 5 киши бўладиган бўлса, 1 миллион 100 минг сўмдан тўғри келади. Бу маблағнинг нақд пул шаклида беришни ташкил қилмаиз, чунки эҳтиёжманд оила, дейлик, томорқасида нимадир етиштираётган бўлса, биз маҳсулот шаклида олиб борган картошка-пиезларимиз унга керак бўлмагани мумкин. Шунинг учун нақд пул шаклида бериладиган 1,1 миллион сўм оила учун зарур мақсадларга ишлатилади. Шу йилнинг 15 августига қадар бу ёрдамлар ўз эгаларига етиб бориши таъминланади.

Таъкидлаш жоизки, бу ёрдамни олди дегани "темир дафтар"дан чиқарилди, дегани эмас. Бизнинг яна бир асосий вазифамиз рўйхатдаги меҳнатга лаёқатли фуқароларни бандлигини таъминлаш, уларга иш топиб беришдир. Уларни доимий даромадли фаолиятга йўналтириши зарур. Шундан кейингина бу фуқаролар рўйхатдан чиқарилади.

Афсуски, рўйхатдагиларнинг ҳаммасини ҳам давлат ёки ҳўжалик юритувчи ташкилотларда иш билан таъминлашнинг иложи йўқ. Ҳар бир ишчимиз моддий таъминот билан боғлиқ. Масалан, оилавий тадбиркорлик очиб ҳисобига ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун жорий йилда 5 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, хизматлар кўрсатиш дастури орқали фуқаролар бандлигини таъминлашга ҳам 1 трлн. сўмга яқин маблағ ажратилмоқда. Бунда ҳам шундай шаффоф механизм яратилдики, фуқаро солиқ идораларининг махсус дастури орқали рўйхатдан ўтса, унинг бандлиги ҳисобга олинади. Шунингдек, у белгиланган муайян тўловларни тўлаб бурса, йиллик меҳнат стажига ҳам эга бўлади. Шунингдек, ҳудудлардаги раҳбарлар амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларга айнан мана шу рўйхатдаги фуқароларни жалб этиш назарда тутилмоқда.

Жойларда эҳтиёжманд аҳолининг ҳолидан хабар олиш бўйича қўрилаган чоралар таҳлили кўрсатмоқдаки, айрим ҳолатларда озиқ-овқат тўплами ёки дори-дармон шаклида етказиб берилаётган моддий ёрдамни тарқатишда камчиликлар ҳам учрамоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида Қўрбон ҳайити арафасида ажратилган бир марталик моддий ёрдам пуллари эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож оилаларга нақд пул шаклида тарқатилди.

Моддий ёрдам пуллари вилоят даражасида молиялаштирилган, 4 та сектор раҳбари — вилоят ҳокими, прокурори, ИИБ ва солиқ бошқармаси бошлиқлари мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатлари асосида нақд пуллари банкдан олиб, ўзларининг

вертикалларидаги сектор раҳбарларига топширилади ва мазкур жараёнда вилоятдаги секторларнинг раҳбарлари шахсан иштирок этади. Яъни пуллари қайсидир бир идоранинг кичик ходими ёки кассирга ишониб топшириб қўйганимиз йўқ. Бу пуллар давлатнинг ваколатли одамларига ишониб топширилди.

Энг асосийси, жойлардаги маъсуллар ишларнинг натижаси бўйича вилоятдаги 4 та сектор раҳбарига ахборот беради, бунинг учун ҳисобдорлик белгиланган. Ёрдам пуллари эга-эгасига етказилгани, ўрта йўлда қимлардир уларни ўзлаштириб юбормаслигини назорат қилиш ҳам тегишли органларга юклатилди. Тўғри, бу жараёнда ташкилий жиҳатдан қандайдир камчиликлар бўлиши мумкин. Агар ажратилган пул муҳтож оилалар рўйхатига киритилган қимларгадир етмай қолдиган бўлса, қўшимча равишда ҳам етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

Жойлардаги сектор раҳбарлари ўзига бириктирилган секторда яшовчи эҳтиёжманд оилаларнинг уйларига борган ҳолда пулларни алоҳида конвертларда тарқатишмоқда. Конвертларда оила бошлигининг исми-шарифи ва ажратилган пул миқдори ёзиб қўйилган. Кимга қанча берилгани тўлов қайдномасида ҳам белгиланади, яъни икки ёқлама назорат тизими амалга оширилади.

Қайд этиш жоизки, бу борада ўтган давр мобайнида аҳолининг ноҳор қисмига кўмак бериш мақсадида комплекс ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган, вазирлар, ҳокимлар ва секторлар раҳбарларининг вазифалари белгилаб берилган. Лекин пандемия кўп соҳаларда иш ўринларини яратишга, камбағалликка қарши курашишга ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Салбий таъсирларни юмшатиш мақсадида "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилди. Унинг доирасида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг қарорларига асосан, карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилаларга, яқка-ёлғиз ва ноғиронларга ҳамда ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган 321 мингга яқин оилаларга 127 млрд. 700 миллион сўмдан зиёд маблағлар сарфланди.

Ҳудудлардаги сектор раҳбарлари бошчилигида ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан май-июнь ойларида эҳтиёжманд оилаларга мансуб 233 мингга яқин фуқарога даромад манбаини яратиш чоралари қўрилди. Ҳукумат томонидан коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғирлашган оилаларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга даромад манбаи яратишнинг вақтинчалик тартиби ишлаб чиқилди. Унда "темир дафтар"га киритилган оилалар билан манзилли ишлаш ва уларни камбағалликдан чиқаришнинг аниқ тартиби ва режалари кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига ("темир дафтар") киритилган ва аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилаларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилсин.



2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,1 БАРОБАР оширилсин.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА:

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 262 470 сўм;

ёшга доир энг кам пенсиялар — ойига 513 350 сўм;

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига 513 350 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 315 030 сўм этиб белгилансин.



КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ МАҚСАДИДА ҲАМДА ҚўРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИДАН:

моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига ("темир дафтар") киритилган оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун "Саховат ва кўмак" жамғармасининг ҳудудий қўлимларига 200 миллиард сўм;

тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига (врач, фельдшер, санитар ва ҳайдовчилар) бир марталик пул мукофоти бериш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилсин.



Жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, муруват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусылмонлари идораси ҳузуридаги "Вақф" хайрия жамоат фондига 150 миллиард сўм маблағ ажратилсин.



Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

# ЭКСПОРТ — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Бошланиши 1-бетда



Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бугун экспорт қилинган мева-сабзавотларимиз дунёнинг турли бурчақларига етиб борапти. Охириги йилларда маҳсулотларни МДХ мамлакатларидан ташқари йирик ташқи бозорлар — Хитой, Германия, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Болтивийи давлатларига экспорт қилиш йўлга қўйилди. Мамлакатимизда мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлашда сифатнинг яхшиланиши, қадоқлаш жараёнларида замонавий технологияларнинг қўлланилиши ҳисобига дунёда ўзбек маҳсулотлари, айниқса, гилос, анор, қовун, қуритилган мевалар, ёнғоқ ва узумга талаб ортиб бормоқда.

Статистик маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-июнь ойларида умумий қиймати 416,6 миллион долларга тенг 720,4 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот экспорт қилинди. Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари Қозғистон (31,3 фоиз), Россия Федерацияси (25,6 фоиз), Қирғизистон (17,1 фоиз), Афғонистон (5,8 фоиз), Хитой (3,2 фоиз), Покистон (3,1 фоиз) ва Украина (2,0 фоиз) ҳиссасига тўғри келган.

Аваллига нисбатан бугунги натижаларимиз ёмон эмас, аммо юртимизнинг бу борадаги имкониятларини ҳисобга олсак, ҳали қилишимиз керак бўлган ишлар жуда кўп, — дейди Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси раиси Мухтор Умаров. — Йиллар давомида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тўпланиб қолган муаммолар, ўтган давр мобайнида соҳада деярли тўб ислохотлар ўтказилмагани, ерга янгича, замонавий ҳамда илмий ёндашув билан қаралмагани, ерлар асл эгаларига берилмагани боис қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда барини бошидан бошлашга тўғри келди. Ачинарлиси, ҳозир ҳам одамларимизда ерга кўр-кўро-на ёндашув, экинни тезроқ ерга қадаб, тезроқ ҳосил олиш ва сотишга интилиш бора. Бироқ биз жаҳон бозорига чиқаётган эканмиз, аввало, сифатли ва халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етиштиришга эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада қишлоқ ҳўжалигини диверсификация қилиш, кластер, кооперация ва плантациялар ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар тизимни тубдан тақомиллаштиришга хизмат қилади.



Озиқ-овқат экспорти ҳақида гап борганида, эътибор қаратилиши зарур бўлган яна бир муҳим жиҳат маҳсулотнинг жаҳон стандартлари талабига жавоб бериши ҳисобланади.

Охириги йилларда бу йўналишда ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Кўплаб деҳқонлар, фермер ҳўжаликлари ва мева-сабзавот экспорти билан шуғулланувчи тадбиркорларга Global G.A.P, Organic, HACCP каби халқаро сертификатларнинг берилиши ноъанавий бозорлар, жумладан, Европа давлатларига йўл очмоқда.

— Халқаро сертификатларни қўлга киритиш кўпчилик ўйлаганидек тез ва осон кечадиган жараён эмас, — деди Мухтор Умаров. — Бунинг учун йиллаб вақт керак бўлади. Масалан, деҳқон ерига гилос эксаётган бўлса, ери, сувининг таркиби ва сифатидан тортиб дарахларнинг нави, ҳосилдорлик даражасигача текширувдан ўтказилиши керак бўлади. Барча жараёнлар тақлиддан муваффақиятли ўтиб, талабга

## Диверсификация — қишлоқ ҳўжалигида замонавий ёндашув

Қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ҳақида гапирилган илк кунлардан бу борада эски тизимдан воз кечиб, соҳага янгича ёндашувни олиб кириш, ҳудудларни бир хил маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш, аҳолига экин экишдан тортиб, маҳсулотларини сотишга кўмаклашадиган "Томорқа хизмати" МЧЖлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Айниқса, жойларда жаҳон тажрибасида кенг омаллашган кластерлар, кооперацияларнинг ташкил этилиши сифатли ва экспортбўл қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириши жадаллаштирди. Ўтган қисқа вақт давомида республикамизнинг барча ҳудудларидаги туманларда маҳаллий ҳўкимликлар ва мутасадди ташкилотлар билан биргаликда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кўплаб ана шундай қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари, кластерлари ташкил этилиб, улар орқали минглаб кам таъминланган, ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Бугунги кунда соҳани ривожлантириш, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган қишлоқ ҳўжалигини диверсификациялашга ҳам алоҳида

эътибор қаратиляпти. Жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган ушбу атама латинча "диверсификация" сўзидан олинган бўлиб, ўзгариш, хилма-хил тараққиёт маъноларини англатади. Унинг луғавий маъноси ислоҳий маъносидан айро бўлмаган ҳолда, ишлаб чиқарилган маҳсулот асортименти, яъни турини кўпайтириш, янги истеъмол бозорларини излаб топиш, ишлаб чиқаришнинг янги қўринишларини ўзлаштириш каби тушунчаларни беради.

— Қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш бевосита фермер ҳўжаликларини диверсификациялашга боғлиқ бўлиб қолмоқда — деди Мухтор Умаров. — Соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ ҳўжалиги иқтисодий янада юксалтириш, қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражасини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ўз навбатида, фермер ҳўжаликлари фаолиятини диверсификациялашни тақозо этмоқда. Боиси, диверсификациянинг асосий мақсади фермерларнинг бозор конъюнктураси ўзгаришини ўз вақтида



**СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-ИЮН ОЙЛАРИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 416,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ТЕНГ 720,4 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД МЕВА-САБЗAVOT ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ. ШУНДАН 523,9 МИНГ ТОННАСИНИ САБЗAVOT, 157,2 МИНГ ТОННАСИНИ МЕВА ВА РИЗAVОРЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ. МЕВА-САБЗAVOT МАХСУЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЭКСПОРТ БOЗОРЛАРИ ҚOЗOГИСТОН (31,3 ФОИЗ), РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ (25,6 ФОИЗ), ҚИРГИЗИСТОН (17,1 ФОИЗ), АФГOНИСТОН (5,8 ФОИЗ), ХИТOЙ (3,2 ФОИЗ), ПОКИСТОН (3,1 ФОИЗ) ВА УКРАИНА (2,0 ФОИЗ) ҲИССАСИГА ТўГРИ КЕЛГАН.**

## Имтиёзлар экспорт салоҳиятини оширмоқда

Бугун мева-сабзавот ишлаб чиқариш билан шуғулланганида тадбиркорларга қатор имтиёзлар, зарур шароитлар яратилиб, айрим маҳсулот турлари божнона тўловларидан озод қилинаётгани, замонавий иссиқхоналар қуриш учун имтиёзли кредитлар ажратилаётгани юртимиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

"Қашқадарь парник тараққиёт инвест" МЧЖ корхонаси раҳбари Асомидин Раҳмонов ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, замонавий иссиқхона қуришга қарор қилганида Қарши шаҳри ҳўкимлиги унинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, 32 гектар ер майдони ажратиб берди. Ишни бошлаш учун банк томонидан тадбиркорга 7 йилга 6 фоизли ставка асосида ҳоржий линиянинг валюта кредити ҳисобидан 5 миллион АҚШ доллари берилди. Тадбиркор 14 гектар ерда гидропоника усулидаги инновацион иссиқхонани ишга тушириб, 240 нафар ёшани иш билан таъминлади. Бозор талабларидан келиб чиқиб, ҳозир иссиқхонадан 10 гектарда пемидорнинг пуштиранг нави, 4 гектарда эса бодиринг етиштирилмоқда.

— Президентимиз 2016 йилдаги гидропоника усулидаги иссиқхоналар қуриш, қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқларида инновацион технологияларни қўллаш ҳолда жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида гапирганида кўпчилик учун бу тасаввур этиш қийин бўлган жараён, амалиётда деярли қўлланилмаган янгилик эди, — дейди "Қашқадарь парник тараққиёт инвест" МЧЖ корхонаси раҳбари Асомидин Раҳмонов. — Лекин давлатимиз раҳбарининг қатъий саяё-ҳаракатлари, ишбилармонликини қўллаб-қувватлаш, барча соҳаларга илғор технологияларни олиб киришга қаратилган тезкор чора-тадбирлари билан халқ чин маънода тадбиркорликка ўрганди. Амалиётга фаол татиб этилаётган фармон ва қарорлар билан ўз иштини очиб истигадиги ёшлар олдида тўсиқ бўладиган барча ғовлар олиб ташланди. Бугун ҳақиқатан ишлаган одам яхши яшайдиган замон келди. Фақат машаққатлардан қўрқмасдан, ўз олдига қўйган мақсади сари дадил ҳаракат қилиш керак, холос.

Асомидин ака йил сўнгига қадар маҳсулотларни қайта ишлашга мўлжалланган 2 та

мини цехни ишга тушириш лойиҳаси устида ишлаяпти. Унга кўра, иссиқхонада пишиб этилган киши маҳсулотларни дунё бозорларига экспорт қилиш, ёзгиларини эса цехларда қайта ишлаб, томат, консерва каби тайёр маҳсулотларга айлантириш кўзланган.

Юртимизда мева-сабзавот экспорти бўйича нафақат маҳаллий, балки халқаро лойиҳаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Улардан бири USAIDнинг қишлоқ ҳўжалигида қиймат занжирини ривожлантириш (AVC) лойиҳаси бўлиб, шу кунга қадар лойиҳа доирасида юртимиздаги 600 дан ортқ агро-бизнес вакили фаолиятга кўмак берилди. Мутахассислар 2018-2019 йилларда ҳамкор фермерлар ҳосили 79 фоиз, йиллик даромадлари 38 фоиз ўсишига ҳисса қўшди.

Айни пайтда лойиҳа аъзолари 280 дан ортқ мева-сабзавот ишлаб чиқарувчи корхона билан ҳамкорлик қилмоқда. Лойиҳа доирасида юртимиздаги мева-сабзавот экспорт қилувчи 70 дан ортқ компанияга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

20 йилдан бўён мева экспорти билан шуғулланиб келаётган RedPack МЧЖ раҳбари Раҳмонберди Саламатов ҳам лойиҳа кўмағида ўз бизнесини кенгайтиришга эришди.

— Бизнесимни бошлаганимда бор-йўғи 3 та ҳодимим бор эди, — дейди Раҳмонберди Саламатов. — Ҳозир эса 30 кишини иш билан таъминлаганман. 1994 йилда Сирдарё вилоятининг Мирзобод туманида қовун экинига ихтисослашган бизнесни бошлаганимда мева ва сабзавот экспорт қилувчилар учун қўллаб-қувватлаш тўсиқлари бор эди. 2017 йилдан бошлаб бу тизимни тартибга солиш бўйича амалга оширилган ислохотлар экспорт ҳажмининг ўсиши ва ушбу соҳага киришни истасан янги тадбиркорлар сони орттиришга туртки берди.

2017 йилда Раҳмонберди аканинг USAIDнинг қишлоқ ҳўжалигида қиймат занжирини йўналишида 568,8 миллион долларлик 49 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Жумладан, мева-сабзавот тармоғи ва қайта ишлашда қиймати 332,9 миллион доллар бўлган 24 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.



**ҲOЗИРГА ҚAДАР REDPACK КОМПАНИЯСИ ЛАТВИЯГА 187 ТА МАШИНАДА ҚOВУН ЖўНАТИШГА МУВАФФАҚ БўЛДИ. ҲАР ЙИЛИ БУ КўРСАТКИЧ 20 ФОИЗ ОШИМОҚДА. 2020 ЙИЛГИ МАВСУМДА РАҲМОНБЕРДИ АКА БЕЛАРУСЬ, ЛАТВИЯ, ГЕРМАНИЯ ВА УКРАИНАГА ҚўШИМЧА ЮКЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БўЙИЧА 3 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК 6 ТА ЯНГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАГАН.**

ривожлантириш лойиҳаси мутахассисларига муважжаати асосида улар компанияни латвия мева импортёри билан боғлади ва икки томонлама ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига эришилди. Ҳозирга қадар RedPack компанияси Латвияга 187 та машинада қовун жўнатишга муваффақ бўлди. Ҳар йили бу кўрсаткич 20 фоиз ошмоқда. 2020 йилги мавсумда Раҳмонберди ака Беларусь, Латвия, Германия ва Украинага қўшимча юкларни етказиб бериш бўйича 3 миллион долларлик 6 та янги шартнома имзолаган.

Мамлакатимизда мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳаси ҳам кун сайин ривожланиб бормоқда. Ушбу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, йирик корхоналар эгаларига имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳисобига сўнгги йилларда тизимда сезиларли ютуқлар кўзга ташланяпти. Бу борадаги муваффақиятларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, Тошлоқ туманидаги "Ўз-Сеганг" корейс-ўзбек қўшма корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозир барча турдаги мева-сабзавотларни қайта ишлаш йўлга қўйилган мазкур корхона йилга 16 минг тонна маҳсулот экспорт қилиш имкониятига эга. Қувонарлиси, бундай йирик корхоналар сони юртимизнинг барча ҳудудларида кун сайин ортиб бормоқда.

## "Бизга буюртма портфели зарур"

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари таъминини таъминлаш, кўпроқ органик йўналишда етиштирилиши ва бошқа қатор афзалликлар билан ҳоржий харидорлар эътиборини тортиди. Аммо жаҳон бозорида рақобат ниҳоятда кучли ва унда муносиб ўрин эгаллаш учун маҳсулот таъми ёки сифатининг ўзи камлик қилади.

Озиқ-овқат етиштириш ва йирик шартномалар имзолашда биздан ўзидан давлатлар кўп. — Сўзсиз, мева етиштириш ва экспорт қилиш бўйича Ўзбекистон сўнгги йилларда етакчи давлатлар қаторига қўшилибди. Айниқса, ўрик, гилос, анор меваларига ҳоржда талаб ортиб бормоқда. Бироқ мавжуд талабни сифатли қондириш, экспорт салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиш учун бизга буюртма портфели зарур, — деди Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси раиси Мухтор Умаров. — Буюртмаларни мувофиқлаштирувчи органлар билан кластерлар, кооперациялар, плантацияларни ривожлантиришимиз зарур. Ҳозирча бизда катта-катта плантациялар йўқ. Барча экин майдонлари кичкина томорқаларга бўлинган. Улардан маҳсулотларни йиғиб, бир жойга жамлаб, экспорт қилиш билан шуғулланганидан брокерлар синфи, "Томорқа хизмати" МЧЖлар шаклланган. Тўғри, бу тадбиркорлар ўз фаолиятини ва ваколати доирасида аҳолига маҳсулотларини сотишда яқиндан ёрдам берапти. Аммо мамлакатлар ўртасида йирик шартномалар имзолаш учун мувофиқлаштирувчи органлар фаолиятини йўлга қўйиш талаб этилади.

Юртимизда бу бўйича зарур ишлар бошланган. Вазирлар Маҳкамасининг июнь ойида муҳомамага қўйилган "Халқаро бозорларда тан олинган сифат ва мувофиқлик стандартларини (Global G.A.P, Organic, HACCP ва бошқалар) жорий этишга кўмаклашувчи механизмларни ишлаб чиқиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасида айни шу масалага эътибор қаратилиб, тегишли ташкилотларга қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти бўйича буюртма портфелини шакллантириш вазифасини юклатиш кўзда тутилган. Ишонимизки, яқин йилларда бу иш амалга оширилади. Айни кезде Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси ҳам буюртмаларни мувофиқлаштирувчи органлар қаторида бўлишга интилимоқда.

## Халқаро стандартлар — экспорт кафолати

жавоб беради, деб топилганидан кейингина халқаро сертификат берилади. Бундан ташқари, маҳсулот жаҳон бозоридан ўз ўрнини топиши учун экспортёр тинимсиз ўз устида қўллаб, мева-сабзавот сифати, узок йўлга чидамлилиги, энг муҳими, харидор топишда билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Бугунги кунда кўплаб тадбиркорлар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ана шу жиҳатларни ўрганиб, кўникмалар ҳосил қилиши, уларга берилаётган қатор имтиёзлардан тўғри фойдаланишни натижасида экспорт борамида сезиларли ютуқларга эришаётганини ҳам таъкидлашимиз жоиз. Айниқса, водий аҳли бу борада етакчилик қилмоқда.

Айтиш кераки, бугун барча ҳудудларда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш, одамларни иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва экспортни ривожлантириш давлат иқтисодийнинг муҳим қисмига айланди. Жорий йилда озиқ-овқат маҳсулотлари

етиштириш ҳажминини кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида республиканинг 55 та тумани мева-сабзавотчиликка тўлиқ ихтисослаштирилди. Юртимиздаги 4 та вилоят — Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Навоийда жами 18,5 минг гектар, хусусан, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида ғалла майдонлари тўлиқ қисқартирилиб, ўрнига мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш йўлга қўйилди. Олтиариқда 1 350 гектарда вайиш усулида янги тоқзорлар, Қувада 950 гектарда анорзор ва Қувасой шаҳрида 700 гектар майдонда гилос плантациялари барпо этилмоқда.

Бу борада амалга оширилиши режалаштирилган келажак лойиҳалар ҳам бисёр. Президентимизнинг 2020 йил 9 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида озиқ-овқат sanoати



Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

# ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Қадимдан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган юртимизнинг илм-фан ва маърифий салоҳиятини юксалтиришга бугун юксак эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари 2016 йилнинг 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан бўлиб ўтган учрашувда, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийинлиги, мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан эканлигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Орадан қисқа муддат ўтиб, Президентимизнинг “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш шунингдек, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ошириш мақсадида турли вазирлик ва идораларнинг бир қатор илмий тадқиқот муассасалари Фанлар академияси тасаруфига ўтказилди.

2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланганда ҳам илм-фанга бўлган юксак эътибор намунаси эканлигини илғаш қийин эмас. Жорий йилнинг 31 январидан давлатимиз раҳбарининг олимлар, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш вакиллари билан учрашувда математика, кимё, биология, геология фан ва соҳаларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилиши борасида аниқ вазифалар кўйилган эди.

ЎзФА бош илмий котиби Ғайрат БАҲОДИРОВ “Янги Ўзбекистон” муҳбири билан суҳбатда ана шу вазифалар ижроси, тизимда эришилаётган натижалар хусусида гапириб берди:

— Дарҳақиқат, соҳадаги долзарб масалалар ҳал этилиб, илмий тадқиқот фаолияти янада қўллаб-қувватланаётгани тизимга берилган юксак эътибор натижасидир, — деди Ғ. Баҳодиров. — Хусусан, жорий йил 31 январь куни Президентимиз Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига ташриф буюриб, олимлар, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш сектори вакиллари билан илмий тадқиқот муассасалари раҳбарлари билан учрашгани ҳам илм-фан соҳаси ривожига муҳим аҳамият касб этди. Негаки, давлатимиз раҳбари учрашувда кимё, биология, геология ҳамда математика йўналишларини ривожлантиришга алоҳида урғу берди.

Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институти тадқиқотлари жаҳон даражасида эътироф этилган муассаса бўлиб, у ерда функционал анализ, дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра бўйича илмий мактаблар фаолият юритади ҳамда мамлакат эҳтиёжи учун юқори маънавият кадрлар тайёрлаш бўйича йирик илмий марказ ҳисобланади.

Институт ходимларининг 12 нафари Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоллигига ва нуфузли Жаҳон фанлар академияси (TWAS)га сайланган, уларнинг илмий тадқиқотлари бир қатор халқаро ва Ўзбекистон давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Президентимизнинг фундаментал ва амалий тадқиқотлар орқали мазкур соҳани янада ривожлантириш, олий таълимдан кейинги таълим институтларининг фаолияти ва илмий кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, илм-фан ва иқтисодиёт тармоқлари интеграциясини янада такомиллаштириш, халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган бир қатор қарорларни қабул қилинди. Уларга асосан, математика фанини ривожлантириш ва институт фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Ўтган йили давлатимиз раҳбарининг “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Яқинда Талабалар шаҳарчасида Математика институти учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда математик олимларимиз томонидан аънавий йўналишлардан ташқари янги

кимёвий бирикмалар хоссалари прогнозидан сунъий интеллектни қўллаш, янги дори воситаларини ишлаб чиқишда янги кимёвий бирикмалар синтези учун компьютер технологиясини яратиш каби замонавий йўналишларда ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Фанлар академияси тизимдаги 11 та илмий тадқиқот муассасаси ўз фаолиятини қайтадан тиклади. Математика институти, Ядро физикаси институти ва Сейсмология институти фаолияти тубдан такомиллаштирилди ва Миллий археология маркази ташкил этилди. Шу жумладан, тадқиқот ядро реакторининг иш фаолияти тўлиқ тикланди. Тиббиётда қўлланиладиган изотопларни циклотрон ва ядро реакторидан ишлаб чиқиш технологиясини яратилди ва материалларни гамма нурлар билан радиациявий қайта ишлаш технологияси тизими йўлга қўйилди, стерилланган тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари, ичимлик сувни тозалаш ва зарарсизлантириш қурилмалари, радиоизотопларни ишлаб чиқариш амалга оширилди.

Дунё миқёсида биринчи марта кремний диоксиди нанозаррачалари асосида чанг ва нам кўнмас қатламлар олиш технологияси, импорт ўрнини босувчи сабзавот омборларини, иссиқхоналарни дезинфекция қилиш, зараркундаларга қарши курашишда юқори самарадор мобил озонаторлар яратилди.

Кўёш сандонида эритилган маҳаллий хомашё — каолин асосида нанокатализаторлар яратилди.



торлар ва саноатда ишлатилмайдиган керамик ташувчи элементлар тайёрланди. Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатида оптикни ажратиш олишда ишлатилмайдиган рух кукунини ажратиш технологияси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг умумий сейсмик районлаштириш харитаси такомиллаштирилди ва Қурилиш вазирлигига топширилди. GMP талабларига мувофиқ дори воситалари субстанцияларини ишлаб чиқариш илмий технологик маркази ишга туширилди. Тиббиётга 6 та дори воситаси тўлиқ жорий этилди. Фанлар академияси ташаббуси асосида Хитой Фанлар академиясининг Марказий Осиё дори воситаларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқариш маркази фаолият бошлади.

Ўзбекистон даволаш хусусиятига эга ўсимлик турларига жуда бой. Мамлака-



Кўёш сандонида эритилган маҳаллий хомашё — каолин асосида нанокатализаторлар ва саноатда ишлатилмайдиган керамик ташувчи элементлар тайёрланди. Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатида оптикни ажратиш олишда ишлатилмайдиган рух кукунини ажратиш технологияси ишлаб чиқилди.

тимизда ушбу имкониятдан самарали фойдаланиш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Академиянинг тегишли институтлари биологик фаол табиий ва синтетик бирикмаларни ўрганиш, улардан дори ва кимёвий препаратлар ишлаб чиқаришда дунёда етакчи ўринда туради.

Мустақиллик йилларида маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида вирусга қарши, антиаритмик, аналетик ва бошқа шифобахш хусусиятларга эга 30 дан ортиқ янги оригинал маҳаллий дори яратилди. 15 турдаги янги дориларни (Эқдистен, Аюстан, Рутан, Госситан, Гетасан, Пунитан ва б.) саноат миқёсида ишлаб чиқариш бўйича юқори самарали технологиялар яратилди. 30 турдан ортиқ маҳаллий дорини ишлаб чиқариш технологиялари ўзлаштирилиб, улар дорихоналарда сотилмоқда.

Осиё қитъасида олдин фанга номалум бўлган 30 дан ортиқ ўсимлик тури кاشф этилди. 314 ўсимлик ва 209 ҳайвон турини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”нинг навбатдаги нашри чоп этилди. Марказий Осиё аҳолисининг ДНК банки тузилди. Республиканинг вилоятлар бўйича иммунологик ва генетик харитаси ва паспорти ишлаб чиқилди.

Ўзанинг юқори сифатли янги навлари яратилди. Доривор экинлар бўйича плантациялар ташкил этилиб, бир неча турдаги доривор ўсимликлар экилди. Таркибида йод мавжуд перовскитлар асосида оптоэлектрон хусусиятлари кучайтирилган тизимлар олиш йўллари кўрсатилди ва улар асосида турли архитектурага эга бўлган кўёш батареялари ячеякаларини олиш усуллари ишлаб чиқилди.

Яна бир муҳим йўналиш жаҳон халқлари цивилизациясига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқ оғзаки бадий ижодиётининг барча жанрларига оид материалларни аънавий, маданий, адабий ва маънавий кадрятларни қайта тиклаш нуктаи назаридан таҳлил қилиш асосида ўзбек фольклори ёдгорликла-



рининг 100 жилдик мукамал жамланмаси яратилмоқда.

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари томонидан “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдигининг навбатдаги жилдлари академик нашрга тайёрланди. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 2015—2019 йилларда унинг дастлабки 15 жилди чоп этилди. Мазкур 100 жилдлик ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди асарларининг энг мукамал намуналарини қамраб олади. Ушбу нашрнинг 59 жилди достонлар, 10 жилди халқ кўшиқлари, 12 жилди эртақлар, қолган жилдлар эса терма, афсона, Ҳасан, нақл, мақол, топишмоқ, аския, лоф, лағифа, оғзаки драма, болалар фольклори ва бошқа жанрлардан иборат бўлади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ўзбек фольклоршунослиги тарихида яна ўнлаб достонлар илк бор нашрга тайёрланди. Бу ишлар яна давом эттирилади.

Ҳозир давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига Фанлар академиясининг илмий тадқиқот муассасаларини капитал таъмирлаш ва илмий лабораторияларини энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

— Фанлар академияси тизимда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларни уларни қўллаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Фанлар академияси ҳузурида “Ахборот технологияларини ривожлантириш маркази” ДУК ташкил этилган. Ахборот коммуникациялари ва технологияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда тизимдаги барча илмий тадқиқот муассасалари оптик толали алоқа каналлари орқали юқори тезликдаги интернет билан таъминланди. 2019 йил охирида Фанлар академиясига рақамлаштириш ва сканерлаш қурилмалари ўрнатилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида юқори параметрли хусусиятлар талаб этилган графикали ва илмий ҳисоблашларни бажариш учун юқори самарадорликка эга бўлган суперкомпьютер келтирилди.

Олдинлари бирор бир илмий тадқиқот ишини амалга ошириш ва унинг натижаси қандай бўлишини аниқлаш узоқ вақтни талаб қилган бўлса, бугунги биз яшаётган ахборот технологиялари асрида бу жараённи юқори параметрли ва илмий



ҳисоблашларни бажариш учун юқори самарадорликка эга бўлган компьютерлар орқали қисқа муддатда амалга ошириш мумкин. Яратилган модель қанчалик мураккаб бўлса, илмий тадқиқот ишининг натижаси ҳам шунчалик аниқ бўлади. Ушбу компьютерларда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижасини олдиндан прогнозлаш мумкин, қисқа қилиб айтганда, бу технологиялар илмий баҳорат қилиш ва бир вақтнинг ўзиде мураккаб жараёнларни моделлаштириш имконини беради.

— COVID-19 коронавирусини аниқлаш, даволаш бўйича ҳам академия тизимда қандайдир тадқиқотлар ўтказилмаптими?

— 15 март куни Ўзбекистон ҳудудида илк бор SARS-CoV-2 вируси аниқлангандан сўнг коронавирус тарқалишининг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича илмий асосланган тақриблиқ ишлаб чиқиш учун академиянинг Биоорганмик кимё, Ўсимлик моддалари кимёси, Полимерлар кимёси ва физикаси, Иммунология ва инсон геномикаси ҳамда Математика институтларининг тегишли олим ва мутахассислари изланишлар олиб боришмоқда. Биргина мисол, Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари ҳам COVID-2019 РНКсини ажратишга мўлжалланган диагностика тўпламини қисқа вақт оралиғида ишлаб чиқди.

Ушбу диагностика тўпламининг клиник синовлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги лабораторияларида, жумладан, Санитария-эпидемиология олий таълим агентлигининг махсус лабораториясида ўтказилди ва ижобий натижаларни кўрсатди. Бу тўплам дунёда ишлаб чиқариладиган муқобиллари билан таққосланганда сезилганлиги, спецификлиги мос келиши, лекин кам вақт талаб қилиши (1 соат), қулайлиги ва арзонлиги (минимум 30 фоиз арзонроқ) каби устунликларга эга. Ушбу реагентлар тўплами Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизация давлат маркази” ДУКда “ЭНКОР” номи билан рўйхатдан ўтказилди ва серияли ишлаб чиқариш учун рухсат олинди. Бундан ташқари, ушбу тўплам ёрдамида В ва С гепатити, одам имун танқислиги вируси (ВИЧ) РНК/ДНКни ажратиш мумкин.

Ишлаб чиқилган диагностика тўплам мамлакатимизга хориждан келтирилмайдиган қиммат нарҳдаги тўпламларнинг ўрнини босишга имконият яратди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан талаб бўлса, институт бундай тўпламларни ишлаб чиқариш имкониятига эга.

— Қайси йўналишлардаги илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга эришилди?

— Илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди, иқтисодиёт соҳасига жорий этиш учун тасдиқланган 43 та инновацион лойиҳадан 39 таси ФАнинг ишланмалари ҳисобланади. Уларни амалга ошириш учун корхоналар ташкил этилди. Тижоратлаштириш мақсадида 2019 йилда яна 35 та янги инновацион лойиҳа тайёрланди.

Фанлар академияси томонидан радиоизотоплар ва радиопрепаратлар, дори субстанциялари ҳамда радиацион ишлов графикали нодирлаштирилган тошлар экспорт қилинади. ФА томонидан 2019 йил якунига бўйича бюджет тушувлар 45,4 миллиард сўмга тенг бўлди, экспорт ҳажми қарий 6 миллион АҚШ доллари ташкил этди.

— Бугунги кунда ёшларни илмга жалб қилиш борасидаги муаммолар нималардан иборат деб ўйлайсиз? Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасаларида ёш олимлар учун яратилган имкониятлар ҳақида тўхталсангиз?

— Президентимиз ташаббуси билан тизимда фаолият юритаётган иқтидорли

ёшларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида 40 та, имтиёзли субсидиялар асосида 42 та ва докторантурада тахсил олаётган ёш олимлар оилаларига бепул 25 та хонадон қалитлари топширилди. Хоразм Мазмун академиясида 24 хонадонли турар жой биноси қуриб фойдаланишга топширилди.

Бироқ ёшларни уй-жой билан таъминлаш муаммоси ҳозирча тўлалигича ечилгани йўқ. Сўнгги йилларда илм-фанга келаётган ёшларнинг асосий қисмини вилоятлардан келаётган ёшлар ташкил этмоқда. Академиянинг тадқиқотчилар турар жойи таъмирталаб бўлганлиги, айрим институтларда замонавий ишлаш шароитлари мавжуд эмаслиги ёш олимлар унумли вақтининг бир қисмини уй-жой шароитини яхшилашга ёки иш жойидаги шароитни мослаштиришга кетмоқда. Бу, ўз навбатида, ёшларни илм-фанга кенг жалб қилишда муаммолар келтирмоқда.

2019 йилда турли жамғармалар ҳисобидан 103 нафар илмий ходим хорижий мамлакатларнинг етакчи олий ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий-амалий стажировкадан ўтиб, тажриба алмашиб келди.

2020 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан стажёр-тадқиқотчилар институти ташкил этилди. Ҳозир академияда 100 нафар стажёр-тадқиқотчилар фаолият юритишмоқда.

Магистратура талабаларининг диссертацияларини Фанлар академиясида бажариш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан қўшма қарор қабул қилиниб уларнинг амалиёти ташкил этилди.

Жумладан, илмий тадқиқот муассасаларидан 25 нафар илмий ходим ҳамда 10 нафар институт директорларининг илмий ишлар бўйича ўринбосарлари Беларусь Фанлар академиясининг илмий тажрибачиларида илмий-амалий стажировкадан ўтиб, тажриба алмашиб келди.

Бугунги кунда Фанлар академияси тизимда жами 410 нафар докторант, жумладан, 361 та таянч докторант ва 49 та докторант бор. Фанлар академияси тизимда 21 та илмий даража берувчи илмий кенгаш фаолият юритмоқда. Ўтган йили 51 та тадқиқотчи фан доктори, 78 та тадқиқотчи эса фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

— Охири йилларда халқаро алоқаларга қаратилган алоҳида эътибор нималарда кўзга ташланади?

— Фанлар академиясининг Россия, Беларусь, Қирғизистон, Хитой, Мўғлистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларнинг Фанлар академиялари билан халқаро алоқалари сезиларли даражада кенгайди.

Фанлар академияси институтларининг халқаро илмий марказлар билан икки томонлама алоқалари мустаҳкамланди. Дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича ўзбек-хитой маркази очилди, қатор институтларда ўзбек-хитой қўшма илмий лабораториялари ташкил этилди.

ЎзФанинг ЮНЕСКО, МАГАТЭ, МААН ва TWAS каби халқаро ташкилотлари билан алоқалари мустаҳкамланди. Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари ва ташкилотлари билан икки томонлама ҳамкорлиги амалга оширилмоқда.

ЎзФА халқаро ташкилотлар билан биргаликда икки томонлама “йўл хариталари” доирасида 19 та қўшма дастур бўйича топшириқлар бажарилишида иштирок этмоқда.

Ўзбекистон-Беларусь ҳамкорлиги доирасида ФА илмий тадқиқот институти томонидан 2019-2020 йилларга мўлжалланган 8 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири  
Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

Маънавий мерос



Бугуннинг болалари — эртагиз эгаларини адабиётга яқинлаштириш, миллий ўйинларимиз шуқудидан уларни ҳам баҳраманд этиш миллий маънавиятимиз олдида турган асосий вазифалардан. Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Шомирза ТУРДИМОВ билан айна шу жиҳатлар, болалар фольклори тушунчасининг ҳаётимиздаги аҳамиятини ошириш масалалари хусусида суҳбатлашдик.

ТУРИБ ҚОЛГАН СУВ АЙНИЙДИ, ОҚҚАН СУВ ДАРЁГА ҚЎШИЛАДИ...

— Болалар ёзувчиси бўлиш осон эмас. Боланинги олами, унинг орзулари билан яшаш ижодкордан ҳам катта иқтидор, ҳам кучли маҳорат талаб қилади. Айниқса, болалар фольклори нозик масала, тўғрими? — Шахсан мен адабиётни бу хил иккига ажратишга қаршман. Адабиёт битта. Унинг мезонлари, мақсади ягона. Болаларга содда ёзиш керак, улар тушунамайди, дейиш бизнинг янглиш қўлиларимиз ўлчами. Болалар катталардан кўра адабиёт ва санъатга яқинроқ. Улар борлиқни образли қабул қилади ва ифода қилади. Бир қизча кўчада чироқлар билан ёнганидан ҳайратланиб, "Ёндиқлар ёнди", дегани бунинг мисолидир. Болаларнинг ўзига хос лугати, уларнинг бу даврда тўқиган гаройиб сўзларидан биз катталар лол қоламиз. Қачонки бола бу ижодкорлик чегарасидан ҳаттасу, у ҳайрат ҳудудини ҳам тарқ этади. Бирдан "катта" бўлиб қолади. Умум оммага қўшилади. Образли тафаккурдан айрилган компьютер одамига эврилилади. Биз бугун болалар адабиёти деб ажратадиган китобларимиз катта ижодкорларнинг ана шу ҳайрат ҳудудидан чиқмай яратган асарлари бўлиши керак. Г.Х.Андерсеннинг эртақлари ушбу ҳудудда яратилган асарлар сирасига кирди. Эртақларнинг болаларга хусусан қилиши ҳам ушбу "боқий" асосида пайдо бўлганлигидандир. "Оқ кема" каби асарларнинг ўзига ана шу "боқий" ҳайрати туради.

захат етказмайдиган ўйин воситасида синдирилган. Биргина чиллақ(баъзи ҳудудларда чилик, лакак) ўйинини олиб қарайлик. Уйда иштирокчиларнинг сони тўрттадан ортиқ бўлгани маъқул. Аввало, болалар онабоши танаб "тутилиб" ("адашиб" деб ҳам юртилади) келиш шартли орқали икки гуруҳга ажралишади. Сўнгра "ота таёқ" — 40 см. узунлигидаги бош бармоқ йўғонлигидаги таёқ ва "бола таёқ" — 15 см. ўрта бармоқ йўғонлигидаги таёқчани олиб, ўйин бошланади. Бошловчи гуруҳ аъзолари бола таёқчани ота таёқ воситасида хоначадан узоққа олиб отишга ҳаракат қилишади. Ҳимояланувчи гуруҳ отилган бола таёқчани ҳавода ушлаб олишлари ёки ҳимоя таёқлари орқали қайтариб қолишлари лозим. Мабодо бола таёқ ерга тушса, масофа қанчалигини ҳужумчи гуруҳ ўнла сонлар миқдорда (10, 20, 30 ва х.к.) айтиши, ҳимояланувчилар шубҳа билдириши, масофа ота таёқ ёрдамида ўлчаб чиқибли, бир таёқ ўлчам миқдорда етмай қолса ҳам бу уриниш бекор саналади. Масофа айтилган миқдорга етса ёки ошса хонага қўндалган қўйилган ота таёқ мўлжал олиниб бола таёқ отилади. Ҳимояланувчи гуруҳ бола таёқни хонадаги ота таёққа тегибса ҳужумчи гуруҳнинг бу ҳаракати куйган, теккиза олмас айтилган сон ҳужумчилар ҳисобига қўшилади ва гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам шу ҳилда ўйинни давом эттиришади. Уйин томонларнинг олдидан белгилаб қўйилган (200 дан 1 000 гача) умумий миқдордаги сонни йиққунларига ҳисоб қилинган. Қайси гуруҳ шу миқдордан сон йиғса, мағлуб гуруҳга нафас олмай зулваб келиш мажбурияти юкланган. Мағлуб гуруҳнинг зулваб келиш жойи голиб томон аъзоларининг ота таёқ ёрдамида бола таёқни чиқитиб аниқланган сонлар йиғиндиси миқдорда белгиланган. Ушбу ўйин болаларни жамоа бўлиб курашиш, сабрли бўлиш, чақонлик, хушёрлик, масофаларни чамалаб аниқ ҳисоб-китоб қилиш, мерганлик, нафас олмай узоқ муддат тура билиш ва яна бир қанча жисмоний, руҳий синовлардан муваффақиятли ўтиш кўникмаларига ўргатади.

да "Ой терак, кун терак" ўйини кўпма келиш муддати, Йилбоши — Наврўз сайларига ўйналган. Бу ўйинда асосан бағоят ёшга етган ўсим йилги-қизлар яхши ният билан иштирок этади. Келаётган йилнинг кут-баракати ўтиши ўйин давомида тахмин этилган, яхши ниятлар билдирилган. Тадқиқотчилар ақсарият болалар ўйинлари замирида халқнинг қадим мавсумий маросимлари тураллигини аниқлашган. Бунинг "Оқ суяк, кўк суяк", "Бобол така" каби ўйинлар мисолида яққол кўриш мумкин. Юқорида айтилган чиллақ ва қатор шунга ўхшаш халқ ўйинларининг қўллаб ҳудудлари миқдорда сақланиб қолгани болалар фольклорининг бардавонлигида муҳим ўрин тутди. Умуман олганда эса халқ ўйинларининг ҳар бири нафақат тарбиявий-маърифий қиммати, балки халқнинг дунёқарши, тафаккур тарзининг ўзига хос ёзилмаган қомуси эканлиги билан ҳам қимматлидир.

— Шу ўринда бир гапни очиб айтиш керак, ўқувчиларимизда "Суст хотин", "Е. Ҳайдар", "Чурей-чурей" каби халқ кўшиқлари бизга бироз эриш туолган, энди ўйласам, болаликда уларнинг асп моҳиятини англамаган эканмиз. Шу маънода, болаларимизда халқ озаки ижодиға муҳаббат уйғотиш учун бугун нималар қилишимиз керак, деб ўйлайсиз?

— Халқимизда "бола подшо", деган тушунча бор. Тилдаги ҳар қандай тушунча шунчаки пайдо бўлиб оммалашмайди, унинг мағзида олам-олам маъно, узоқ асприк билим, тажрибалар туради. Фанда эса "халқ педагогикаси" деган алоҳида йўналиш мавжуд. У ҳар бир халқнинг таълим ва тарбия билан боғлиқ аъналарини, фикр, хулосаларини ўрганади, амалиётга таъбиқ этиш йўлларини ахтарди. Замонавий таълимнинг энг янги усул ва методлари мағзида ана шу асрий билимлар туриши, айна билимларнинг янги шаклларда кириб келаётгани кўҳна қадриятларнинг аҳамиятини намоеъ этади.

"Боланг беш ёшига тўлгунча пошшолардай, ўн тўрт ёшига етганча қўлдак, сўнг дўстингдай муносабатда бўли", дейди халқ. Бу ҳикमत мағзини узоқ шарҳлаш мумкин. Асосийси, уни сўзма-сўз англамаслик лозим. Киши умридан болалик даврини ўғирлаб олмаслик, ҳар бир одамнинг тўлақонли ҳаёт йўлини босиб ўтишига имконият яратиб бериш ушбу ҳикматда аниқ ифодаланган. Аҳдодларимиз бу "олтин мезонни" ҳеч қачон унуттирмаган. Аммо бугунги авлодда кечаги билан солиштириб бўлмайди. Бугуннинг боласи "катта" қиллоққа айланган дунёнинг фарзанди. Телевизор, компьютер ва турли алоқа воситалари унинг онига, дўқарашига, фикрлаш тарзига ўз таъсирини утказмоқда. Болани фольклоримиз асосида миллий руҳда тарбиялаймиз десак, биз ҳам унинг "тил"ида гаплаша билишимиз керак. У қабул қилаётган техник воситаларга бор меросимизни болағам мос равишда ўтказиб, унинг ўз мулкига айланишига қўмақлашимиз шарт. Бу соҳада биз динозаврлар даврида яшаётган бўлсак, болаларимиз XXI асрда ривожланган мамлакатлар "тил"ида сўзламоқда. Бу соҳадаги йўқотишларимизнинг зарарини аниқ сезяпмиз. Зудлик билан чора кўрмасак, "ўзинг туғ-да, ўзинг қўрқ", деган ҳикматни қайтариб қолишдан бошқа иложимиз қолмайди.

— Болаларни китобга, адабиётга ошно қилиш бугуннинг энг долзарб вазифалардан эканини ҳисобга олган ҳолда турли китобхонлик танловлари ташкилотчилари, адабиёт ўқувчиларига болалар фольклори борисида нималарни тақдир қилган бўлар эдингиз?

— Фольклорнинг тили рамзлар тилидир. А.Камю айтганидек, халқнинг рамзий тилини худди алифбонинг ўргатганидек болаларга бочадан, мактабдан бошлаб босқичма-босқич ўргатиб боришимиз шарт. Мехр кўзда деганидек, кўрганнинг, эшитганнинг ўрни бўлакча бўлади. Фольклорга, халқ маросимларига меҳрини худди халқ педагогикасидаги каби болаларимизга табиий синдиришимиз керак бўлади. Болалар ўқимади, англамайди, дейиш нотўғри. Биз катталар бола тилини билмаймиз, унга мос, давр талабидан, усулларидан келиб чиқиб, керакли ўргатиш воситалари, усулларини топа олмаётимиз, холос. Болаларни китобга ошно қилишнинг ҳам янги йўлларини яратсак, уларни ўзимизга жалб қила оламиз. Бир сўз билан айтганда, барча соҳада ижодкорлик лозим. Зеро, турли қолган сув ҳам айниқди. Оққан сув дарёга қўшилади... Биз ҳам дарё, уммон бўлайлик!..

"Янги Ўзбекистон" мухбири Муножат МУМИНОВА суҳбатлашди.

- Куч — қуя куялар Бўйни узун тулар, Туя, қайга борасан. — Кўш қияга бораман. — Кўш қияда не кўрдинг? — Сурув йилки мен кўрдим! — Сурув йилки ичинда Пулат пичок мен кўрдим...



Бу хил мисолларни истаганимизча келтиришимиз мумкин. "Тухум билан буйрак" эртағида тухум буйрақни, сўнг қарға, улоқ, тоили бия, бўтали туя, кўп қизлар, ўғил болаларни ютиб кампирнинг кулбасига боради. Кекса момо уни ухлатиб, қизиган темирни орқасига босади. Тухум ёрилиб, у ютган жамики нарсалар қайта тирилиб чиқади... Бир сўз билан айтганда, жамики тирикчиликнинг тухум-уруғдан қайта дунёга келиши ҳақидаги билим бу эртақ мағзини ташкил этади.

— Бугун ўзбек болалар фольклори қай даражада ўзини оқлапти, бу борада янгиликларга қўл ураётган, айна ушбу йўналиш ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган ижодкорлардан кимларни айта olasiz?

— Болалар фольклори, айниқса, болалар ўйин фольклори намуналари бугунги кунда ҳам яратилаётганини, ижодкорликнинг аънавий оҳанг ва ифода усуллари ўзанида янгилашиб давом этаётганини кузатишимиз мумкин. Бу намуналарнинг ўз вақтида мутахассислар томонидан улуғсиз, ҳар бир ҳудуддаги ҳолатларини алоҳида-алоҳида ёзиб олиб ўрганиш лозим. Аммо биз мутахассислар бунга улғуриб қайд этиямиз, деб айта олмаймиз.

— Худудлардаги ҳолатлар деганимизда, асосан, болаларга азалдан мерос қолган халқ ўйинларини кўзда тутдингиз назаримда. Дарҳақиқат, бугун ҳам халқ томонидан яратилиб, болалар учун қизиқарли бўлган ўйинларимиз вилоятларда сақланиб қолган...

— Халқ педагогикаси кенг қўламли бўлиб, ўз тартиби, узувларига эга. Уйинлар ана шу соҳанинг муҳим халқаси ҳисобланади. Болалик даврида "ўйин боласи" аталмиш қисм алоҳида ўрин тутди. Уйин шунчаки вақтни ўтказиш, кўнгли хуши бўлмаган. У боланинг жамиятга аралашishi, шахс сифатида тарбия топиши, ҳаётда ўз ўрнини эгаллашида мактаб вазифасини ўтаган. Фақат бу билим ва кўникмалар боланинг ёшига мос, турли ҳаракатларда амалга оширилган. Билимлар бола онига бездирмайдиган, кўнглига



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров "Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1935. 42596 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда. "KOLORPAK" МЧЖ босмаҳонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. Босмаҳона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов Мусахҳиш: Ойдин Аляутдинова Дизайнер: Зафар Бақиров Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй ЎЗА яқуни — 00:30 Тошхирлиди — 01:00

Адиблар хиёбонидаги ўйлар

ЎЗГА ЭЛ ИЖОДКОРЛАРИНИ ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАТГАН ТАРЖИМОН

Манзура ШАМСИТДИНОВА, Тошкент давлат юридик университети доценти в.б.

Пойтахтимизда Адиблар хиёбонининг ташкил этилиши маънавий ҳаётимизда жуда катта воқеа бўлди. Ҳар гал бу ерга келганимда чуқур уйга толаман. Бу ерда ўзбек адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган адабиётимизнинг забардаст вакиллари хотирасига қўйилган ҳайкаллар уларга кўрсатилган муносиб эҳтиром рамзидир. Айниқса академик шоиримиз Ғафур Ғулумнинг ўзбек халқига, адабиётига қилган хизматларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.



Ғафур Ғулум — XX аср ўзбек адабиётининг энг машҳур адибларидан бири, айтиш мумкин, унинг шеърляти ва насрида ўзбек халқининг долғали даври тарихи ўзининг бадий аксини топган. Ранг-баранг жанрларда ижод қилган адиб ўз ижодини болалар учун шеърлар ёзиш билан бошлади, кейин эса лирик шеърлар, достонлар, ҳикоялар, қиссалар дунёга келди. Ғафур Ғулумнинг ижодий мероси ранг-баранг бўлиб, шеърлар, қўшиқлар, достонлар, қасидалар, ҳикоялар, қиссалардан иборатдир. Ўзбек адабиётида таржима билан шуғулланмаган ижодкорнинг ўзи йўқ бўлса керак. Биргина фарқи, айрим ёзувчилар фақат таржима орқали танилган бўлса, яна бир тоифа ижодкорлар адабий меросининг ярмини таржима ташкил этади.

Ғафур Ғулумнинг таржималари жанр нуқтаи назаридан унинг оригинал ижоди каби хилма-хил. Улар орасида улкан роман, бир неча байтлик ғазал, ўткир сёсий аҳамиятга молик шеърлардан тортиб, лирик драммагача бор. Асарлари Ғафур Ғулум таржимасида ўзбекчага босилиб чиққан адиблар сони элликка яқин, улар дунёнинг ўнлаб тилларида яратилган. Бадий таржиманинг "табдил" деб аталган бир тури бор. Табдил "бадал" ўзагидан олинган бўлиб, алмаштириш, ўрнига бошқа нарса қўйиш демак. 1940 йилда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қизган кетаётган бир пайтда Ғафур Ғулум "Фарҳод ва Ширин" достонини ҳозирчи тилга мослаб чоп эттирди ва мутафаккир шоир асарларини халққа янада яқинлаштиришга катта ҳисса қўшди. Чунки Алишер Навоий асарлари тили оддий китобхон учун бир мунча мураккаб бўлиб, орада ўтган тўрт ярим асприк даврда тилимизда анча-мунча ўзгаришлар юз берган эди.

Шунингдек, Ғафур Ғулум Рўстайдининг "Қарилгидан шикоят", Шота Рудаевнинг "Ўлбарс терисини ёпинган пахлавон" достонидан боғлар, Саъдийнинг "Тулистон" асарининг шеърли қисмини, Жомий ғазалларини, Бедилнинг икки рубоийсини, Қрилов масалларини, А.Грибоевнинг "Ақллилик балоси"дан парчани, Пушкиннинг талай шеър ва поэмаларини, Т.Шевченко, А.Толстой, Н.Некрасов, В.Маяковский, А.Твардовский, М.Турсунзода, К.Симонов ва бошқа адибларнинг шеърларини, турли халқларнинг ўнлаб қўшиқларини ўзбекча-лаштирди.

Уильям Шекспирнинг "Отелло" трагедияси, Лопе де Веганинг "Қўзибулқ қишлоғи", Фридрих Шиллернинг "Вильхелм Телль" драмалари, А.Грибоевнинг "Ақллилик балоси"дан парчани, Пушкиннинг талай шеър ва поэмаларини, Т.Шевченко, А.Толстой, Н.Некрасов, В.Маяковский, А.Твардовский, М.Турсунзода, К.Симонов ва бошқа адибларнинг шеърларини, турли халқларнинг ўнлаб қўшиқларини ўзбекча-лаштирди.

Аммо шундай асарлар ҳам бўладики, бошқа тилга таржима қилинганда унинг фақат дастлабки, юзада кўришиб турган маъносига ақс этади. Чунки тиллараро мувофиқликларга қараганда номувофиқликлар муқарраб суратда кўп бўлади, сўзининг образга айланиши эса ҳар бир тилда айрича, фақат ўзига хос тарзда кечади. Асарга жипо бериб турган сўз ўйинлари таржима асарларда аксар ҳолларда тушиб қолади. Мутафаккир шоир Мирзо Абдулқодир Бедил асарларига пурмаънолик, айниқса, хос. Ғафур Ғулум шарҳ шоири сифатида Бедилдан кўп таъсирланган, бунини ўз асарларида ҳам бир неча марта таъкидлаб ўтган. Бедил адабиётга олиб